ҲОЗИРГИ ДАВРДА АХБОРОТЛАШУВ ЖАМИЯТИДА ИЛМИЙ БИЛИМЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИОН РОЛИ

Исмоилов Нажмиддин Бойсоатович
Термиз давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотация: *ушбу мақолада ахборотлашув жамиятида илмий билмларнинг тутган ўрни ва роли. Ёшларнинг медиа ва ахборот маданиятига эришувида ахборот саводхонлик босқичлари, назарий тахлил ва эмпирик тадқиқотлар натижалари, хорижий мамлакатлар тажрибаси ва олимларнинг фикрлари ёритилган .*

Таянч сўзлар: *ахборотлашув жамияти, илмий билмлар, ОАВ,* интернет, глобал *медиавосита, жамият, усул ва воситалар, ўқувчилар*

Сўнгги йилларда Ўзбекистон матбуоти тараққиётида хам сифат жиҳатидан бутунлай янги-демократик ривожланиш босқичи бошланди. Мамлакатда матбуот эркинлигини таъминлашга имконият яратилди. Оммавий ахборот воситаларининг нормал фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, уларни нашр этиш ва тарқатиш билан боғлик молиявий ва техник масалаларни ечишда, ижодкорларнинг демократик жараёнда фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар юзага келтирилди. Мазкур ислохот мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида республика аҳолисининг ахборотга бўлган талаб-эхтиёжларини янада тўликроқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш йўлида олдинга ташланган катта қадам бўлди.

Бугунги кунда демократия, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, жамиятдаги яратувчилик ҳолати фикр ва сўз эркинлиги, ранг-баранглиги хосиласи бўй кўрсатмокда, ОАВ мустақиллик ғоясини юртдошларимиз қалби ва онгига сингдирмоқда. Кўриниб турибдики, матбуотимиз илдизи бақувват дарахт янглиг ривож топишида неча ўн йиллардан буён тўпланган тажрибалар бугунги мустақиллик даврида ўзига хос тарзда намоён бўлмокда. Дархақиқат, ўтмишсиз келажак бўлмайди. Турли йилларда пайдо бўлган оммавий ахборот воситалари бугун хаёт кўзгусига айланган матбуотимиз учун пойдевор бўлганини эътироф этиш мумкин. Мустақиллик туфайли газета сахифалари, радиоэшиттиришлари ва телекўрсатувларида мамлакатнинг қадимий тарихи, ўтмиши, маданияти, шўролар тизими даврида тақиқлаб қўйилган миллий қахрамонларимиз ҳақида, ўзбек халқининг ўзига хос урф-одатлари, ақидалари тўғрисида қизиқарли мақолаларга кенг ўрин берилди. Ана шунинг ўзи энди мамлакатимизда ҳуррият, ҳурфикрлилик, миллий манфаатларга ва миллий равнақга йўл очилганидан далолат беради. 1996 йилнинг май ойида республикамиз ахборот воситаларининг Америка Қўшма Штатларида жойлашган, жахондаги йирик компьютер тизими “Интернет” билан алоқа ўрнатилиб, ундан энг сўнгги янгиликларни қабул қилиб олиш йўлга қўйилди[1]. Бу Ўзбекистон ОАВ тарихига мухим воқеа бўлиб кирди. Шу тариқа бутун дунё воқеаларидан хабардорлик, ахборот бозорига кириб бориш эвазига ахборот алмашинуви вужудга келди. Хозирги кунга келиб Интернет борган сари жамият хаётининг барча сохаларига чукуррок кириб бормокда.

Глобал тармокнинг фойдаланувлари Интернет бундай кенг тарқалишининг сабаблари каторида ахборот узатишнинг бир-биридан ажралмаган, куйидаги афзал жихатларини кайд этадилар: биринчи: ахборотни босма холда узатиш; иккинчи: радио (овоз йули билан); учунчи: телевидение (овоз+видео). Интернетда ахборот олишнинг вақт хамда маблағ жихатдан иқтисодий самарадорлиги, яъни тежамкорлик, буларга

[1] Анализ состояния и перспектив развития Интернет в Республике Узбекистан. Информационно-аналитический отчет / Узбекское агентство связи и информатизации, Программа развития ООН в Узбекистане. - Т.: ПРООН, 2009. - С. 10.

қўшимча равишда Интернет орқали ахборотни ва унга бўлган изохларни мустақил равишда узатиш хамда ўзаро алоқа қилиш имконияти мавжудлиги хам унинг оммалашиб кетганлигининг сабабларидир. Дархақиқат, глобаллашаётган дунёда Интернет кишилар кундалик хаётининг ажралмас қисмига айланиб бормокда. У ахборотни тезроқ ва кўпроқ олиш борасида хам қўл келмокда. Интернет энг катта кутубхона хамдир. Унинг ёрдамида, жахон, жумладан, Ўзбекистон фуқаролари турли маълумотларни олишда қулай имкониятларга эга бўлмокдалар. Ҳар бир инсон глобал тармоққа кириб ўзига зарур бўлган ахборотни у жахоннинг қайси мамлакат, қайси кутубхонасида булишидан катъий назар олиш, ўрганиш имконияти юзага келди. Янгиликлардан, ўзгаришлардан хабардор булиш билан бирга инсон узининг дунёкарашини бойитади. Бу борада биргина "Интернет-Архив" 1996 йилдан бошлаб 2,9 миллиард бетдан иборат китобларнинг электрон шаклини яратганлигини айтиш мумкин. Бошқа бир мисол. Интернетнинг бундай имкониятлари жахон таммадуни яратган маънавий бойликдан кенг фойдаланиш шароитларини яратмокда.[1] Ўзбекистонда хам ахборот-кутубхона марказларини адабиётлар билан бойитиш, уларнинг электрон вариантини яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмокда. Бу ҳақида китобнинг кейинги бобларида фикр юритилган.

Айни чоғда, Интернет тармоқларида мамлакатимиз ҳақидаги ахборот микдори кўпайиб бораётганини хам алохида таъкидлаш зарур. Жумладан, Солиев Ф. Ёшларнинг ахборот сохасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари 2013 йилнинг март ойида ахборот воситаларида кўпчиликка яхши таниш, фойдаланувчилар сони жихатидан катта, оммабоп онлайн энциклопедияси деб эътироф этилган "Википедия"да ўзбек тилидаги мақолалар сони 100 мингдан ошганлиги ҳақида маълумот эълон қилинди. Унда сўнгги йилда энциклопедиянинг ўзбек тилидаги бўлимида мақолалар сони ошганлиги, хозирги кунда ўзбек версиядаги Википедияда мақолалар сони турк тилларидаги версияси бўйича 3-ўринни эгаллаганлиги қайд этилган. Ўзбек тилидаги мақолалар худудига мурожаат қилувчиларнинг сони кўпайганлиги бўйича эса, энциклопедиянинг барча тиллардаги версиялари ичида биринчи ўриндадир.[2] Юқоридаги мисоллар Интернет дунё воқеаларидан хабардорлик, ахборот алмашинуви вужудга келишида, ахборотни тезрок ва купрок олиш борасида хам кул келаётганини курсатади. Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган холда, унинг инсон маънавиятига тугдирадиган хавф-хатарлари тугрисида айтиш лозим.

Хусусан, Интернет оркали шахс манфаатларини кондирилишига каратилган индивидуалистик карашлар турли бузгунчи гоя ва мафкуралар билан тулиб бораётганлигини хам таъкидлаш зарур. Жумладан, Америкалик сиёсатшунос олим Патрик Бьюкененнинг 'Ғарбнинг халокати" номли китоби.[3] Катта хажмдаги бу китобнинг сўз бошидаёк, муаллиф яхлит бир миллатлар ва халклар тақдирига алокадор булган воқеаларни, Ғарбнинг "тақдири"ни жамият маънавиятидаги инкирозларга, жумладан, оила ва никох, тугилиш ва ахолининг табиий ўсиши борасидаги инқирозлар тахлилига бағишлаган. Бьюкененнинг фикрича, саноати ва юкори технологиялари ривож топган жамиятда одамларнинг бирдан бойиб кетиш, тўкин хаётга эришишга бўлган эгоистик интилиши уларнинг асл кадриятларга, жумладан, оила ва никохга, ёшлар тарбиясига бўлган муносабатларида кескин инқирозни келтириб чикарди. Бу холатни у гедонистик психологиянинг асоси деб бахолаб, унинг оқибати жамиятда қатор ижтимоий муаммоларни юзага келишига сабаб бўлаётганини эътироф этади. Онг ва шуурдаги

[1] Солиев Ф. Ёшларнинг ахборот сохасидаги хукук ва эркинликларини химоялашнинг хукукий асосларини такомиллаштириш масалалари / Ёшларни ахборот-психологик хуружлардан химоя килиш технологиялари: назария ва амалиёт. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (Тошкент, 9 ноябрь 2012 йил). - Т.: Мирзо Улугбек номидаги Узбекистон Миллий Университети босмахонаси., 2012. - Б. 15.

[2] Каранг: Число статей в узбекской «Википедии» превысило 100 тысяч // ПрессТИЖ. - 2013. - №13. - С. 2.

[3] Бьюкенен П.Ж. Гарбнинг халокати // Жахон адабиёти. (Б. Умаров таржимаси). - 2007. - №1.

узгаришлар европа халқларининг энг зарур ва мухим кадриятларга нисбатан салбий муносабатларда ифодаланади. Масалан, бугунги Европада оиладек муқаддас институт барбод бўлаётгани, бир жинсли никохларнинг сони борган сари ортиб бораётгани, туғилаётган болаларнинг хар учтасидан биттаси никохсиз туғилаётганлиги, туғилишнинг камайиб кетганлиги яққол намоён бўлмоқда.

Гарчи Европадаги ривожланган давлатлар иктисодий, илмий, техникавий ютуқларга эришган бўлсада, юқорида келтирилган мисоллар Ғарб тамаддуни маънавий-ахлоқий жихатдан емирилиб бораётганини, миллий қадрият, маданият, маънавий-ахлоқий масалаларда бўшлиқлар пайдо бўлганлигидан далолат беради. Миллий матбуотимизнинг истиқлол давридаги қиёфаси, тизимдаги таркибий ўзгариш ва янгиланишлар, ислохотлар жараёни миллий матбуотимиз тарихидаги энг залворли давр хисобланади. Бу даврнинг узига хос хусусиятлари сифатида куйидагиларга эътибор каратиш жоиз:

- Мамлакатимизда ОАВнинг сони ва сифати кескин ортиб бормокда.

1991 йилда ОАВ умумий сони 395 та бўлган бўлса, бугунга келиб, 1367 та босма ва электрон оммавий ахборот воситалари рўйхатга олинганлигини айтиш зарур[1];

- Мустақиллик йилларида мамлакатимизда даврий босма нашрларнинг интернет версиялари, интернет журналистика вужудга келди ва у жадаллик билан ривожланиб бормокда. Ўзбекистонда амалдаги конун меъёрлари асосида 124та веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида руйхатга олинган;

- республикамизда истикомат килаётган куп миллатли муштарийларнинг талаб ва истаклари инобатга олинган холда босма оммавий ахборот воситалари ўзбек тилидан ташқари бошқа тилларда хам нашр этилмокда, телевидение ва радиода хам бу амалиёт қўлланилмокда, эшиттириш ва кўрсатувлар қардош халқлар тилларидан ташқари рус, инглиз тилларида хам эфирга узатилиб, веб-сайтлар узбек, рус ва инглиз тилларида фаолият юритади;

- бугун республикамиздаги оммавий ахборот воситалари сиёсий-ижтимоий, хуқуқий, тиббий, таълим-тарбия, хотин-қизлар, ижтимоий-маърифий, иктисодий-ижтимоий, спорт, маънавий-маърифий каби ундан ортик сохалар буйича чиқарилмокда.

- давлат ва жамоат ташкилотлари оммавий ахборот воситалари билан бир каторда нодавлат оммавий ахборот воситалари тизими яратилди. Эркин матбуот бозори шаклланди, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган мустақил нашрлар сони кенгайди ва рақобат мухити шаклланмокда. Матбуотнинг иктисодий асосларини яратиш, уларнинг хуқуқий кафолатларини таъминлаш ва мустақил нашрлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш миллий матбуот олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб колмокда. Мустақиллик даври оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги яна

мухим жихатлар жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, иктисодий, маънавий-маърифий хаётига таъсир курсатиш, турли нуктаи назарлар воситасида хаётий хакикатни оммага етказиш, ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш, уз навбатида, “оммавий маданият” никоби остида ахолининг кенг катламлари[2], биринчи навбатда, ёшларнинг онгини эгаллашга қаратилган уринишлар, ошкора ва пинхона ахборот хуружларига қарши курашда миллий манфаатимизни химоя килиш кабилардир. Мамлакатимизда эркин демократик жамият барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш, айникса, оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, биринчи президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, “ислохотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий хаётда жорий”[3] қилишни тақозо этади.

---

[1] Каранг: Важный этап реформирования информационной сферы // Народное слово. - 2013. - 20 ноября.

[2] Ismoilov, Najmiddin Boysoatovich (2022). O‘zbekiston Respublikasida diniy bag‘rikenglik va konfessiyalararo hamkorlikni ta’minlash. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (12), 1116-1121.

[3] Каримов И.А. Биз танлаган йул - демократик тараккиёт ва маърифий дунё билан хамкорлик йули. - Т.:

Ўзбекистоннинг узоқ истиқболдаги ривожланиш стратегияси хам ахборот тизимлари кенг ривож топган фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да ахборот сохасини ислох қилиш борасидаги конунчилик ташаббуслари ушбу сохада босқичма-босқич амалга оширилаётган тадрижий ислохотларнинг узвий давоми бўлди.

Хуллас, тезкор ахборот даври дея таърифланаётган бугунги глобаллашув шароити бу сохада хам изчил модернизация ишларини амалга оширишни тақозо этмокда[1]. Шу маънода ахборот сохасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, жамият тараққиётида мухим ахамиятга эга фикрлар хилма-хиллигини қарор топтириш, ОАВ билан хокимият органлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг энг мухим йўналишларидир. Бу эса мазкур жабхадаги долзарб вазифаларнинг кўламини ҳамда уларни амалга ошириш қанчалик мухим эканлигини белгилайди.